Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 17 октябрь, сешанба. №127. (21.890). Сотувда эркин нархда.

Вазирлар Маҳкамасида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ КЕРАК

16 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, концернлар, корпорациялар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Республикада жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида иқтисодий ислоҳотлар, бозор иқтисодиётининг ёрдамчи соҳаларини шакллантириш ва хусусийлаштириш дастури қандай амалга оширилаётгани, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Мажлисда бу соҳада муҳим ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмитаси ҳудудий органлари раҳбарлари бу камчиликлар учун шахсан жавоб бериши керак. Мажлис якунлари бўйича барча нуқсонларни тугатиш чоралари белгиланди.

(ЎзА).

Хабарингиз борми?

УРГУТДА ТЕЛЕМИНОРА

Ургут ҳақида гап кетганда кўпчилигимиз шарқ меъморчилиги усулида қурилаётган бино ва кошоналарни кўз олдимизга келтирамиз. Аслида ҳам шундай. Бу ерда мустақиллик даврида тикланган мачиту мадрасалар, мактаблар, тиббиёт ва маданият муассасалари, савдо дўконлари маҳаллий усталарнинг маҳоратини кўз-кўз қилиб турибди. Улар кўриниши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, иншоотларнинг давлат маблағи ҳисобига эмас, балки ҳашар ёрдамида қад ростлаётганлиги қувончлидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги тантанали нишонланган кунларда Ургутда мамлакатимиз туманлари орасида биринчи бўлиб шарқ миллий меъморчилиги анъаналари асосида тикланган ва баландлиги 48 метрлик телеминора фойдаланишга топширилди. Унинг лойиҳасини Улуғбек мукофоти совриндори, Самарқанд меъморчилик ва қурилиш институти ўқитувчиси Дилшод Мирзаев чизган. Телеминорани туман деҳқончилиги - қурилиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 172-кўчма жамланма қурувчилари қурдилар. Бу янги мўъжизавий телеминоранинг биринчи қаватида ўлкашунослик ва тарих музейи жойлашган. Иккинчи қават телевидение таҳририятига берилган. Учинчи қаватда кўрсатувларни узатадиган аппаратлар ўрнатилди. Тўртинчи қават томошагоҳ ва ресторанга айлантирилди.

Телеминора атрофида кенг кўламда ободончилик ишлари бажарилди. Йигирмадан ортиқ каттакичик фавворалар бунёд этилди. Уларнинг атрофига чим босилди, мармар тахтачалар ўрнатилди. Минглаб гул, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди.

Телеминора қурилишининг тезлаштирилишида туман тадбиркорлари, ишбилармонлари ҳомийлик қилганликлари ҳам муҳим роль ўйнади. «Жалил», «Жаҳон», «Қобил», «Элдор», «Ўрамас», «Нарзия» ва бошқа кичик корхоналар, фирмалар жамоаларининг ҳар бири телеминора қурилиши ҳисоб рақамига 50-60 минг сўмлаб пул ўтказишди. Бундан ташқари бир неча ўнлаб фуқаролар шахсий жамғармаларидан телеминора қурилишига маблағ ажратишди.

СУРАТДА: телеминора кўриниши.

Янги иншоотнинг тикланишида туман фахрийлар кенгаши раиси Азим Алиевнинг хизмати катта бўлди. У кексайиб қолганлигига қарамай қурилиш бошидан жилмади. Қурилишда қатнашиш учун ширкатлар уюшмаларидан, ташкилотлар ва корхоналардан келган ҳашарчиларни иш билан таъминлади.

Ҳеч шубҳасиз, Ургут телеминораси туманда кейинги йилларда бунёд этилган иншоотларнинг сарасидир. У Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотни яқинлаштириш учун астойдил курашаётган бугунги юрт аҳлидан келгуси авлодга муносиб совға бўлиб қолади.

Файзи ҲАЙДАРОВ,
«Ургут садоси» газетаси муҳаррири.

ПАХТА-ВАТАНГА

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,35**	**107,01**
ХОРАЗМ	**0,67**	**100,69**
Наманган	1,02	97,20
Фарғона	0,80	94,67
Навоий	1,03	92,03
Бухоро	0,78	91,12
Тошкент	1,00	84,07
Қашқадарё	1,13	83,86
Қорақалпоғистон Республикаси	1,02	77,25
Сурхондарё	1,11	76,67
Самарқанд	1,05	75,47
Сирдарё	0,90	72,04
Жиззах	1,00	70,78
Республика бўйича	**0,91**	**86,02**
1994 йилда	**1,42**	**79,60**

«Ўзбекистон овози» таҳририятига

ЗАФАР ШОШИЛИНЧНОМАЛАРИ

Хоразм вилояти деҳқонлари давлат қабул пунктларига 290 минг тонна юқори сифатли пахта топшириб, йиллик маррани эгаллади. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 29 центнерни ташкил этди.

***

Бешариқ тумани пахтакорлари 33 минг 500 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, йиллик режани ортиғи билан бажаришди.

***

Бувайдаликлар ҳам зафар қучдилар. Мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олиниб, 27 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони бунёд этилди.

***

Қамаши тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Қабул пунктларига 30 минг тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳосилдорлик ўртача 27,5 центнерни ташкил этди. Қамашиликлар яна 5 минг тонна пахта топширишга аҳд қилди.

***

Гурлан тумани пахтакорлари 30 минг 500 тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. Улар ялпи хирмонни 34 минг 500 тоннага етказиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

***

Она-Ватанга 37 минг тонна «оқ олтин» армуғон этган Балиқчи тумани пахтакорлари кўзланган маррага етди. Ҳосилдорлик ўртача 31 центнерни ташкил этди. Туман пахтакорлари яна 5 минг тонна ҳосил топширишга аҳд қилди.

ЖУН СУВТЕКИНГАМИ?

Лўқма

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида ишнинг кўзини билганлар ютяпти. Аммо ўзини «тадбиркор» деб атаган айрим корчалонлар шаҳарма-шаҳар юриб, бирни-икки қилишяпти. Бу ҳеч кимга сир эмас. Ишлаб чиқариш билан банд бўлганлар эса улар олдида ип эшолмаётирлар. Бунинг сабаби кўпчиликка аниқ: минг машаққат билан етиштирилаётган маҳсулотнинг харид нархи паст. Шу боис қишлоқ аҳли, чўл изғирини, иссиғига бардош бериб келаётган чўпон юрагига қўл солсангиз, дарди қат-қат...

Бухоро вилоятида қоракўлчиликка ихтисослаштирилган саккизта жамоа хўжалиги бор. Улар ҳар йили давлатга минг-минглаб дона қоракўл тери, тонналаб жун сотадилар. Аммо уларнинг меҳнати тўлақонли қадр топяптими? Чўпонлар таъкидича — йўқ! Нега? Айтишларича, чўпон бу дунёда кўзи очиқ экан, сурув кетидан қолмайди. Орттирадигани — беш-олти қўй, обрў. Ташвишлари тарозига солинса, тош етмайди.

— Бир қўйдан етти хил маҳсулот олинади, — дейди «Кукча» жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси Мирзо Мардонов. — Кўзга кўринадигани жун, қоракўл тери. Уларни етиштириш учун йил бўйи меҳнат қилиниши даркор. Маҳсулот олинди ҳам дейлик, сотиш-чи? Ҳозир жунга харидор топилмайди, тўғрироғи, ҳеч ким сўрамайди ҳам.

Бош ҳисобчи шу ерга келганда дардини сочиб ташлади. Унинг айтишича, Ғиждувон туманидаги ягона бу хўжалик ўз маҳсулотини Тошкентдаги Келес жунни қайта ишлаш корхонасига сотаркан. Сотганда ҳам сув текинга — килограмми 7 сўм 99 тийинга. Хўш, ўйлаб кўринг, ҳозир бу пулга нима беради? Бир литр минерал сув ёки икки килограмм пиёз-да. Жун шунчалик бекадр бўлдими? Шу йил май ойларида Келесга хўжалик баҳорги қирқимдан 42 тонна жун топширган. Бу юқоридаги нархдан 342 минг сўм бўларкан. Шундан хўжалик 22 минг сўмга эга бўлди, холос. Қолгани насия ҳолича турибди. Кузги қирқимдан яна қарийб 30 тонна жун сотилармиш.

— Энди дўппини ерга қўйиб, таҳлил қилайлик, — дейди бош ҳисобчи. — Бир қўйдан 2 килограмм жун қирқиб олинади. Ҳар килограммини етиштириш учун 17-18 сўм сарфланади. Бир қўйни бир марта қирқиш учун 1 сўм 82 тийин иш ҳақи тўлаймиз. Бундан ташқари, энергия, қирқиш машинкалари, эҳтиёт қисмлар. 2000 бош қўйни қирқиш учун битта машинка керак. У 7000 сўм туради. Унинг битта пичоғи ҳам фалон пул, алмаштиришдан чарчаймиз. Бунинг устига жунни тойлаш, ташиш ҳаракатларини айтмайсизми?

Буни ҳам қўяверинг, сотган жуннинг пулини ўша даврда олганимизда эди, кўп ишимиз битарди. Ҳозирги пайтда олсак, нимага эришамиз? Буни шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак?

Шу ўринда бир савол туғилади: жунни ўзларида қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайдими? Бўлади. Хўжалик 5-кон бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этди. Россиядан жун йигириш ускуналари олиб келинди, цех ишлатиб кўрилди. Аммо, жуннинг дағаллиги, узунлиги ускуналарга мос келмади. Шундай бўлса-да иш бошланди. Жундан кигиз босилмоқда. Бу билан муаммога нуқта қўйиб бўлмайдида. Жуннинг харид нархини ошириш вақти етди. Бу ҳақда республика Қишлоқ хўжалик вазирлигидагилар бош қотирсалар, ёмон бўлмасди. Шунда тонна-тонналаб қимматли хом ашё омборларда тиқилиб ётмасди. Ҳам хўжаликларга, ҳам вазирликка фойдали бўларди!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бозор таомили

СОТДИНГ - АРЗОН, ОЛДИНГ - ҚИММАТ

Ислоҳот карвонининг қўнғироқлари «етти ўлчаб, бир кес» деган мақолга қатъий амал қиладиган эҳтиёткор чорвадор Янгибой Намозовни ҳам ўзига маҳлиё этди. У Музработ туманининг А. Набиев номли хўжалиги бош зоотехниги лавозимидан воз кечди-да, хўжаликнинг фермасини 3 миллион 40 минг сўмга сотиб олди.

Ферма деганимиз 635 бош қорамол, шу молга яраша қўра-ю қутонлар, 12-13 та техника воситалари...

— Нархи арзон бичилипти-ку, — дейман шу хўжаликнинг (хўжалик ҳозир деҳқон (фермер)лар уюшмаси бўлди) раиси Учқур Ғаффоровга.

— Сотдинг-арзон, олдинг-қиммат. Бозорнинг таомили бу, — дейди раис. — Сотдингми, баракасини берсин, деймиз. Барака деган ҳикматдан бўлса эл баҳраманд бўлади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОБУНА — 96»

ЯНА 50 КИШИГА КЎПАЙДИ

— Биз вақтли матбуот — газетадан кўп нарсаларни ўрганамиз, билиб оламиз, — дейди суҳбат чоғида Беруний тумани ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти раиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси С. Солаев.

Беруний ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти тўққиз ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарди. Ўтган йилнинг шу кунига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 3 фоизга кўпайди. Соф фойда ҳисобидан ҳиссадорлик жамиятида кўпгина фирма дўконлари бор. Уларда пахта ёғи, мол гўшти ишловчиларга бозордаги нархлардан 3-4 сўм арзон баҳода сотилмоқда. Нон цехи ишлаб турибди. Олинаётган соф фойда ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга сарфланмоқда.

Ҳиссадорлар 1996 йил учун газета-журналларга обунани бошлаб юборишди. Жамият аъзоларидан 50 нафари бу йил ҳам ўзларининг севимли газетаси — «Ўзбекистон овози»га обуна бўладиган бўлишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА жавоб берадилар

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Вилоят ҳокимлиги шуни маълум қиладики, рўзномаининг 1995 йил 22 июль сонида босилган «Ҳафсаласизлик ҳам эви билан-да!» сарлавҳали танқидий мақола вилоятнинг барча хўжалик ва ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Ҳақиқатда, айрим хўжалик раҳбарлари хусусийлашган қорамолчилик фермаларига ёрдам бериш, озуқа базасини яратиш ишларига етарли эътибор бермаганлар.

Текширишлар натижасида Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигининг Муқимий номли ҳиссадорлик жамиятига қорамоллар бош сонига қараб 268 гектар ер ажратилиши лозим бўлгани ҳолда амалда 134 гектар ер кам ажратилгани аниқланди. Шунинг учун ҳам бу ҳиссадорлик жамиятида қорамоллар бош сони камайиб кетган. «Зарафшон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қурбон Рўзиев ишга совуққонлик билан қараганлиги учун чора кўрилди.

Шунингдек, Ромитан туманидаги «Қалъаи-Чорбоғ» жамоа хўжалиги наслчилик фермасида ҳам шундай аҳвол содир бўлган. Бу ҳиссадорлик жамияти раиси йўл қўйган камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Чорва қишловига етарли даражада дағал-хашак жамғариш, қишловни беталафот ўтказиш, чорвачилик бўйича ҳиссадорлик жамиятларида ҳисоб-китоб ишларини пухта йўлга қўйиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланди ва уни амалга ошириш мутасадди раҳбарларга топширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари
Р. ОЧИЛОВ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1995 йил 20 июль кунидаги сонида чоп этилган «Қинғир ишнинг қийиғи» сарлавҳали мақола Сирдарё вилоят прокуратурасида кўриб чиқилди.

Мақолада «Лимон операцияси» деб кўрсатилган факт юзасидан Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, ҳозирги вақтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

«Синдоробод» жамоа хўжалигининг иссиқхонасида директор лавозимида ишлаб келган. К. Тоғаев ишга тиклаш ва мажбурий ишламай юрган вақти учун 15.000 сўм пул ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан Сирдарё туман судига мурожаат қилган. 1995 йил 9 август куни суд мазкур ариза юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, Тоғаевнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этган.

Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Н. БОБОЕВ.



ЮКСАЛАР «ОҚ ОЛТИН» КЎК САРИ, БУГУН ТИЛЛАРДА ХОРАЗМ ЗАФАРИ!

МЎЛ ҲОСИЛ ОМИЛЛАРИ

Рустам ҚУТЛИМУРАТОВ,
Хоразм вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси

Вилоятимиз пахтакорларининг бу йилги муваффақияти нимада, деган саволга оддийгина шундай жавоб бериш мумкин. Аввало 102,2 минг гектар майдонга барака уруғи эрта қадалди. Баҳорнинг барвақт келиши, об-ҳавонинг деҳқонларимиз учун қулай келганлиги пахтакорларимизга қўл келди. Натижада чигит экиш март ойининг учинчи ўн кунлигида оммавий равишда бошлаб юборилди. Бу — табиат берган инъом бўлди. Иккинчи энг муҳим омил — пахтакорларимизга ерларнинг ижарага берилганлиги, деҳқон-фермер хўжаликларининг кўплаб ташкил қилинганлиги халқимизнинг ўз ишига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Улар ўзларини ернинг ҳақиқий эгаси эканликларини чуқур ҳис қилдилар. Ерни қанчалик эъзозласа, унумдорлигини оширса, маҳсулот етказишни кўпайтирса, сифатини яхшиласа, турмуши шунчалик фаровон бўлишини, олинадиган даромади кўп бўлишини англаб етдилар.

Халқимизнинг бир мақсадни кўзлаб меҳнат қилиши, вилоят ҳокимлиги кўрсатаётган кундалик ғамхўрлиги,шу соҳа мутахассисларининг бор билим, имкониятларини ишга солаётганликлари натижасида кўзланган маррага эришилди.

Шўр ювишнинг сифатли ўтказилганлиги, ерларнинг сифатли шудгор қилинганлиги ва бошқа омиллар ҳам бундан кам аҳамият касб этмади.

Вилоят хўжаликларида бу йил биринчи марта пахта қатор ораларига дастлабки ишлов бериш 15 апрелда бошлаб юборилди. Лекин вилоятда об-ҳавонинг қуруқ келиши, апрель ва май ойларида ҳам давом этган узлуксиз шамол ишимизни бирмунча мураккаблаштирди. Далаларнинг нами қочиб, ер оти сувлари пасайиб кетди. Бунинг устига сув танқислиги муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Шундай вазиятда вилоятимизда катта ташкилотчилик ишлари қўл келди.

Биринчи навбатда барча пахта майдонлари мутахассислар иштирокида кўздан кечирилиб, чигитнинг кўкариши хавфли бўлган майдонлар аниқлаб чиқилди. Ҳар бир даланинг шароитини ҳисобга олган ҳолда нима иш қилиш кераклиги аниқланиб, чора-тадбирлар белгиланди. Ишлар шу асосда ташкил қилинди. Далаларга чигит суви берилди. Баъзи жойларга қўлда чигит экилди. 8000 гектар майдонда қўшариқ олиниб, бир марта суғорилиб, тезда бу қаторлар кўмиб чиқилди. Шундай қилиб, далада нам узоқ вақт сақланишига эришилди. Чигитнинг тўла униб чиқиши учун қулай шароит яратилди.

Нега булар ҳақида батафсил тўхталяпман. Сабаби шундай саъй-ҳаракатлар натижасида чигитни тўла ўндириб олишга эришдик. Лекин ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришда ва уни биринчи суғоришда сув танқислиги доимо сезилиб турди. Бунинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилди.

Бу йил ғўза зараркунандалари ва ҳашоратларга қарши асосан биологик усулда кураш олиб борилди. Экологик вазият анча оғир бўлган вилоятимизда заҳарли кимёвий моддалар кам ишлатилди. Натижада ғўза учун ниҳоятда хавфли бўлган кўсак қурти, ўргимчаккана, шира ва бошқа кўплаб зараркунанда ҳамда ҳашоратлар ўтган йилларга нисбатан анча камайди.

Ҳосилдорликни оширадиган муҳим агротехника тадбирларидан яна бири ғўзани чилпишнинг қулай муддатларда ўтказилиши ва алмашлаб экишнинг жорий қилиниши бўлди, десак янглишмаймиз. Асосий эътибор пахтани шоли билан алмашлаб экишни жорий қилишга қаратилди. Шундай қилинганда шоли экилган майдонларда ер анча яхшиланади. Шўр ювилиб ўсимликка зарар етказмайдиган миқдорга тушади. Энг асосийси, вильт касаллигини кўзғатадиган замбуруғлар қирилиб кетади. Ҳосилдорлик эса юқори бўлади. Бунинг устига, алмашлаб экиш далаларида бошоқли дон экинларининг мустаҳкам ўрин олиши ҳам яхши замин яратди. Хуллас, биз пахтанинг ҳаёт бир жойга узоқ вақт экилишига барҳам бердик.

Пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, теримчиларга 1 сўм 20 тийиндан ҳақ тўланиши пахтакорларимиз ишида туб бурилиш ясади. Ғайратига-ғайрат қўшди. Хонқа, Янгиариқ, Гурлан туманлари пахтакорлари ишчи кучлари ва барча имкониятлардан оқилона фойдаланганда натижа қандай бўлиши мумкинлигини амалда исботладилар.

Янгиариқ туманидаги «1 Май», Аваз Ўтар номли, Хонқа туманидаги «Ғалаба», «Олтин соҳил», «Янги ҳаёт». Шовот туманидаги «Хоразм», «Шовот», «Бўстон», «Соҳибкор» ва бошқа кўплаб жамоа хўжаликлари яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Пахта йиғим-терими билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам иш қизғин боряпти. Вилоятимизда бу йил буғдой экиш олдинги йилларга нисбатан деярли уч марта кўпайди, аҳоли шахсий томорқалари билан қўшиб ҳисоблаганда 38 минг гектар майдонга кузги буғдой экилади.

Бу йил бошоқли дон экишда илғор технология қўлланилаяпти. Дон тозалаш машиналаридан ўтказилиб, сараланиб, касаллик ва зараркунандаларга қарши дорилаб экиляпти. Ҳозиргача кўпгина майдонлардаги буғдойлар қийғос униб чиқди, суғориш давом этяпти. Ўтган йили буғдой эрта, қўлай агротехника муддатларида экилган жойларда ҳосилдорлик юқори бўлган эди. Кеч экилган майдонлардан эса паст ҳосил олдик. Бу йил буни ҳам назарда тутдик.

Вилоят хўжаликларида ўтган йилга нисбатан 10 минг гектар кўп майдонга шоли экилган эди. Ҳозир ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш жадал боряпти.

Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари бизга дон комбайнлари юбориб, шолини тезроқ йиғиштириб олишда амалий ёрдам беряпти. Бунинг учун мазкур вилоятлар раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Вилоят аҳолисини қишин-ёзин мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда мева ва сабзавотларни қишга ғамлаш ишлари қизғин.

Вилоятимиз деҳқонлари, пахтакорлари — меҳнаткаш. Ўйлаймизки, бу йил барча соҳаларда улар кўзлаган режаларини амалга оширишда ҳармай-толмай меҳнат қиладилар.



МУНОСИБ УЛУШ

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг кўпгина туманлари ва хўжаликлари кетма-кет маррага етганликлари ҳақида хабарлар келиб турибди. Таҳририятимизга келаётган бу хабарлар қувончли албатта. Мана улардан айримлари:

Янгиариқ тумани пахтакорлари қисқа муддатда маррага етишди. Мустақил Ўзбекистон хирмонига 21 минг 200 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси етказиб берилди. Туман бўйича ҳосилдорлик ўртача 30 центнерни ташкил этди. Кўпгина хўжаликлар ғалаба қозонишди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Деҳқонлар ва теримчилар ҳосилнинг ҳар бир мисқолини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга аҳд қилишди.

Шуниси қувончлики, туман деҳқонлари кузги буғдой экишни ҳам ниҳоясига етказишди. Мавжуд 2675 гектар майдоннинг ҳар гектарига 250 килограммдан сара уруғ қадалди.

Яна бир хушхабар. Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам йиллик маррани эгаллашди. Улар шунингдек бу йил 100 гектар майдондан 300 тонна дон йиғиштириб олишганди. Эндиликда улар ғалла майдонларини янада кенгайтириб, 550 гектарга етказишди. Ҳозир яхшилаб ишланган майдонларнинг ҳар гектарига 250 килограммдан сара уруғ сепиляпти. Айни пайтда озуқа экинларидан бўшаган майдонларга ва пахта қатор ораларига ҳам уруғ қадалаяпти. Бу албатта келгуси йилда олинадиган мўл ҳосилга пухта заминдир.

Хоразм вилояти пахтакорларининг ғалабасига ижарачилар, фермерлар ва чевар теримчилар муносиб ҳисса қўшишди. Гурлан туманидаги И. Холматов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани муддатидан анча илгари уддалашганди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга топширилди. Чевар теримчи Гулзода Матсафоева кунига 100—120 килограммдан пахта териб кўпчиликка ўрнак бўлди.

Юқоридан чапдаги суратда Гулзода Матсафоева.

Момогул Саидмурадова эса Шовот туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида меҳнат қилади. У ўз оиласи билан 12-бригададан ер олиб деҳқончилик қилди. Мавсум давомида эса 6 тоннадан зиёд пахта териб берди. Чапдаги суратда Момогул Саидмурадованн кўриб турибсиз.

Вилоят пахтакорлари эришган ғалабада ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига маслаҳат бериш сингари эзгу удумларимиз катта ёрдам берди. Масалан, Урганч ва Хонқа туманлари деҳқонлари ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилишяпти. Улар бутун ёз давомида бир-бирларининг ҳузурларига бориб, илғор тажрибаларни ўртоқлашишди, бир-бирларига доно маслаҳатлар беришди. Натижада икки туман пахтакорларининг уйган хирмони кўнгилдагидек бўлди.

Пастдаги суратда: икки туман вакилларининг навбатдаги учрашуви пайти.

Қ. ҚАДАМОВ олган суратлар.

Партия ва ҳаёт

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРДИ

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Шоира Шокирова ўз депутатлик фаолияти ҳақида шаҳар партия кенгаши ижроия бюросида ҳисоб берди.

— Бундай ҳисоботларнинг самарали, нуфузли бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз, — дейди шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Темиров. — Бугал бюро бошқача ўтди. Чунки унда депутатнинг жамоаси ва сайловчилари ҳам иштирок этди.

Ш. Шокирова 9-болалар уйи директори ҳамда халқ депутатлари шаҳар кенгаши ижтимоий - маданий тараққиёт комиссияси котиби сифатида қадриятларимизни тиклаш, уларга замонавий мазмун бағишлаш борасида фидойилик кўрсатмоқда. У доимий равишда Боғишамол тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳаллалардаги бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам беради.

Депутат раҳбарлик қилаётган болалар уйи шаҳардаги ибратли илм масканларидан ҳисобланади. Бу ерда таниқли кишилар, ижодкорлар иштирокида учрашувлар уюштириб турилади.

Бюро аъзолари ва партия фаоллари депутат фаолиятига ижобий баҳо бердилар ва Ш. Шокированинг тажрибаси ҳақида плакат чиқаришга қарор қилдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бирлашмамиз жамоасининг асосий қисми ХДП аъзолари. Улар туманимиздаги 30 мингдан зиёд аҳолига 35 та дўкон орқали савдо хизмати кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, кўчма савдо дўконлари ҳам туман меҳнаткашлари хизматида.

Аҳоли истиқомат жойларида савдо дўконларининг мунтазам ишлашини таъминлаяпмиз. Буни бирлашмамиз партия ташкилоти ўз назоратига олган. Пештахталарда ҳукумат қарорида кўрсатилган саккиз турдаги: ун, ёғ, макарон, шакар, чой, гуруч, совун, туз каби маҳсулотларнинг доимо бўлиши таъминланмоқда. Қайси аҳоли пунктига қандай маҳсулот кераклигини партия ташкилотимиз савол-жавоблар ва аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш орқали аниқлайди. Шунингдек, савдо хизматчисининг маънавиятини бойитиш учун турли тадбирлар ўтказиб туради.

Шу йилнинг етти ойида аҳолига 500 тонна ўсимлик мойи, 80 тонна шакар, 15 тонна чой, 8,5 тонна совун, 50 минг дона гугурт ва 28 тонна туз сотилди. Етти ойда аҳолига 15 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шунинг 1 миллион сўми умумий овқатланиш корхоналари улушига тўғри келади.

Иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар бизнинг соҳага ҳам катта таъсир ўтказмоқда. Шунга қарамай, ишбилармон ва тадбиркор, ўз касбининг фидойиси бўлган савдо ходимлари бу қийинчиликларни енгиш йўлида сабот ва матонат билан хизмат қилмоқдалар. Мнинг муовиним Бешим Холиқов, ҳисобчи Турсун Турсунов, мудирлардан Саттор Жўраев, Меҳриддин Маматов, Отабек Шоқулов, ошпазлардан Барот Азимов ҳамда Эркин Рўзиқуловлар касбимизнинг қийинчиликларидан бўйин товламайдиган ходимларимиздандир. Шуниси қувончлики, уларнинг ҳаммаси ХДП аъзоси деган шарафли номни ўз меҳнатлари билан оқламоқдалар.

Республика Президенти Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларига кўра, туманимизда ўнта дўкон ва саккизта ошхона хусусийлаштирилди. Айни пайтда уларнинг ишида илгаригига қараганда ижобий ўзгаришлар бор. Маблағ масаласи муаммосини ҳал этиш учун ички имкониятларни топишга тўғри келмоқда. Жамоамиз аъзоларига ҳозирча 750 минг сўмлик акция тарқатиб, унинг маблағини аҳоли учун энг зарур бўлган озиқ-овқат ҳамда бошқа зарур эҳтиёж моллари келтириб сотишга сарфлаяпмиз. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кичик корхоналар, цехлар ишга туширилмоқда. Яқинда қандолат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликлар тайёрлайдиган цехлар ишга туширилди. Бирлашмамиз тасарруфидаги нон комбинати ҳам туман аҳолиси талабини тўлароқ қондириш йўлида хизмат қилмоқда.

Очил ШОМИРЗАЕВ,
Усмон Юсупов тумани улгуржи чакана очиқ савдо ҳиссадорлик бирлашмаси раиси.

Қишлоқ истиқболи—юрт истиқболи

ХЎЖАЙЛИ АНТИФРИЗИ

Хўжайли туманидаги аҳолига ёғ маҳсулотлари етказиб берадиган база «Май» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан кейин иши жонланиб кетди. Биринчи навбатда қўшимча ишчи жойларини яратишга эътибор берилди. Иккинчидан, ҳиссадорлик жамияти аъзолари туманда, республикада аҳоли учун қайси нарсалар етишмаётганлигини ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштириб олдилар.

Қорақалпоғистонда транспорт кўп. Ёзи жудаям жазирама. Қиши эса ўта совуқ. Қуруқ совуқ. Унақа-бунақа нарсанинг чидаши қийин. Ана шу иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда «Май» ҳиссадорлик жамияти аъзолари антифриз ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Ишдан чиққан 2-3 хонали бинони бошдан-оёқ таъмирлаб, оддий усулда ишланган асбоб-ускуналарни ўрнатишди. Антифриз ишлаб чиқарадиган цехни барпо этдилар. Илгари антифриз республикамиз ташқарисидан келтириларди. Бу ҳаддан ташқари қимматга тушарди. Антифризнинг таркиби ниҳоятда оддий. Бир литр антифриз олиш учун 56,4 фоиз глицерин, 19,4 фоиз техник спирт, 24,2 фоиз дистилланган сув ташкил этади, холос. Глицерин ва техник спиртлар шартнома асосида Фарғона ёғ-мой комбинати, Янгийўлдаги заводлардан олинмоқда. Кимё лаборанти Ойгул Ўткинбоева, аппаратчи Одил Ёқубов, цех мудири Дорбес Турдалиев антифриз тайёрлашда пешқадамлик кўрсатмоқдалар. Уларга норма чўт эмас.

— Ҳар сменада бир тоннадан ошириб антифриз ишлаб чиқармоқдамиз, — деди суҳбат чоғида «Май» ҳиссадорлик жамияти раиси Мурат Султамуратов. — Сифати яхши. Ҳозиргача ишлаб чиқарган маҳсулотимиз 25 тоннадан ошди. Антифриз цехини қуришга, асбоб-ускуналарни сотиб олишга, ўрнатишга кетган харажатни 4 ойда қоплаймиз.

Хўжайли туманида антифриз ишлаб чиқарилаётганидан Қорақалпоғистон саноат, транспорт корхоналари ва автокорхоналари жамоалари ниҳоятда ҳурсанд.

Келажакда бу цех 2 сменада ишлайдиган бўлади. Янги йилдан бошлаб эса бир кеча-кундузда 2-2,5 тонна антифриз ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Шу билан бир пайтда автомобиль транспортининг тормоз суюқлигини ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

КОМПЬЮТЕРДА МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШ МУМКИН, ЛЕКИН...

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда бошқарувнинг янгича усул ва услубларини ишлаб чиқиш заруряти янги технология жараёнларидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Шундай жараёнлардан бири инсон ақлий меҳнатини енгиллаштирувчи техник восита — компьютерлар хизматидан кенг фойдаланиш давр тақозоси бўлиб қолмоқда. Модомики шундай экан, бу борада эришаётган ютуқ, камчиликларимиз нималардан иборат?

Бугунги кунда хорижий тилларни билиш нақадар зарур бўлса, жамиятимизда янгича бошқарувни амалга оширишда энг яқин кўмакчи бўлган компьютерлар хизматидан кенг фойдаланиш ҳам шунчалик зарурдир. Масалан, бошқарув тизимида ҳар бир раҳбар ишнинг бажарилиши ҳақида қисқа муддатда тўғри ва аниқ маълумот олиши, ёйинки талабага дарсхонасида бирорта адабиётдан фойдаланиши керак бўлиб қолади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, меҳнат унумдорлигини бир фоиз ошириш учун халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқарув тизимида ахборот миқдори икки фоизга ортса, уни қайта ишлаш жараёни уч фоизга ортар экан. Шундай экан, ахборот алмашуви ва уни қайта ишлаш воситалари ҳам жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг бир қисми эканлигидан далолат беради. Ана шу ахборот алмашувини тез ва соз таҳлил қилиб берадиган техник воситалардан бири эса компьютерлардир. Жамиятимиз тараққиётининг қайси соҳасида компьютер хизматидан кенг ва оқилона фойдаланилса, ўша ерда ривожланиш, ютуқ катта бўлади. Масалан, халқаро савдосотиқ ва бозор муносабатларида, янги технологик жараёнларни саноатимизга татбиқ қилишда, илмий изланишлар борасида, инсон қўли етмайдиган жараёнлар сирини билишда, ядро реакциялари ва космик аппаратларни бошқаришда, ҳаттоки инсон саломатлиги учун курашда ҳам компьютернинг хизмати беқиёс.

Компьютернинг жорий қилиниши халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб чиқариш технологиясини тубдан ўзгартиришга, иш унумдорлигини тобора оширишга, инсон иш шароитини яхшилашга олиб келмоқда. Айни пайтда иш жараёнида инсонда бир йўла кўплаб соҳаларга оид ахборот ва маълумотларни йиғиш, ҳисоблашни тезлатиш зарурий эҳтиёжи туғилмоқда. ЭҲМлар ана шундай кўп маълумотларни тез «кўриб чиқиш», қисқа муддатда катта аниқликда бирор қарорга келиш имконини беради. ЭҲМни билиш эса давр талаби. Бунинг учун ёшларимиз информатика асосларидан яхши хабардор бўлишлари лозим.

ЭҲМ бугунги кундаёқ иқтисодий ёки ижтимоий характердаги кенг кўламли масалаларни ечишга доим тайёр. Бироқ компьтерга биз айнан нимани ечишни исташимизни ва қандай маълумотларга эга эканимизни тушунтириш зарур. Ҳатто кишилар ўртасидаги муносабатда ҳам масаланинг қўйилиши — унинг ярим ечими ҳисобланади. Мулоқотда шерик сифатида ЭҲМ иштирок этса, бу деярли ечим тайёр деган сўз. ЭҲМнинг замонавий тезкорлиги, маълумотларни танлаш масъулияти тўлиғи билан инсон зиммасига юкланади. Демак, ЭҲМда ҳал қилиш учун ўзимиз тўғри ечимни танлашимиз муҳим. Бу мумкинми? Тўлиқ маънода — йўқ! Чунки билимларимиз ҳеч қачон тўла-тўкис бўлмайди. Компьютер ҳам инсон унга киритгандан ташқари ҳеч қандай маълумотни «билмайди». Машина унга киритилган ечимни аниқ маълумотлар асосида ишлайди, холос. Мисол учун, республикамиз ҳарбий саноатида янги ҳарбий техник жараёнларни ўзлаштириш, самолётларнинг янги турлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, турли тактик ва стратегик муаммоларни ечишда компьютернинг хизмати беқиёс. Хуллас, ЭҲМни ҳақли равишда инсон фаолиятининг барча соҳаларида универсал ёрдамчи деб аташ мумкин. Қолаверса, бевосита ишлаб чиқаришдан билвосита ишлаб чиқаришга ўтишни ЭҲМ таъминлайди. Бунда ҳисоблаш техникасининг муҳим қобилияти — тавсифни ҳаракатга ўтказиш қобилияти юзага чиқади. Ҳаттоки, бир вақтда ЭҲМ хотираси-нотини яратиш учун фақат ўнга яқин алгоритмик тил асос бўлди. Улар орасида фақат математик ифодаларни, формулаларни ҳисоблашга мўлжалланган тиллар (фортран, АПЛ, Кобол), рўйхатларини қайта ишлаш тиллари (ЛИСП), шунингдек, оддий ўқув-ўқитиш тиллари (БЭЙСИК, Паскаль, СИ, Ада) бор. Аммо программалашнинг энг яхши тили мавжуд эмас. Ҳар бир тил аниқ тадбиқларда ўз устунлигига эга. Шундай экан, компьютерда ечиладиган ҳар бир муаммо ЭҲМга программа тарзида берилади. Шунинг учун ҳам биз «программалаш — бу иккинчи саводхонлик» деймиз.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда компьютер хизматидан кенг фойдаланиш учун унинг дастурий тизимини ҳам ўзлаштириш лозим. ЭҲМдек такомиллашган асбоб билан ишлаш хусусияти нимадан иборат? Буни тушуниш учун дастур тузишнинг асосий услубларини билиб олиш муҳим. Фанда фойдаланиладиган асосий услуб, одатда, таҳлил қилишдан иборат. Шу билан бирга амалиёт синтез йўлидан боряпти. Программалаш фаолиятининг шу икки услуби уйғунлашиб кетадиган, кам учрайдиган турдир. Демак, дастур тузувчи умумлаштириш қобилияти, тафаккурнинг амалийлиги, ҳақиқатни аниқ идрок этиш, техник ва дастурли воситалар томонидан қўйилган чекланишларни тушуниши ғоят муҳим. Шуниси қизиқарлики, ЭҲМдан кенг фойдаланиш - программалаш кенг тарқалган касбга айланишини англатмайди. Биринчидан, программалаш элементларини ўрганган ҳар бир мутахассис кўпинча профессионал программачи ёрдамисиз ҳам иш кўра олади. Иккинчидан, агар масалани ечишнинг услубияти ва бир маъноли усули мавжуд бўлса, дастур тузиш жараёнини автоматлаштириш мумкин. Яқин кунларда, шубҳасиз, ҳар бир мутахассис ЭҲМдан фойданиш асосларини билиши зарур бўлиб қолади. Шуни эътиборга олган ҳолда, қуйидаги таклифларни қайд қилмоқчимиз: компьютерли саводхонликни боғча ёшидан бошлаб олий ёки махсус ўқув юртларида узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш даркор, деб ўйлаймиз. Ушбу соҳада билимдон ва иқтидорли мутахассислар сафини кенгайтириш лозим. Фойдаланиш учун зарур бўлган услубий қўлланмалар ва дарсликларни нашр қилишни кенг йўлга қўйиш давр тақозосидир.

Ҳабиба ИКРОМОВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институти «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон ва жаҳон

МИСР КИНОСИ НАМОЙИШИ

Кеча Тошкентдаги республика киночилар уйида Миср Араб Республикаси кино санъати ҳафталиги бошланди. Маросимда Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулғани Муҳаммад Абдулғани ва Ўзбекистон киноматографчилар уюшмаси раиси Малик Қаюмов икки мамлакат ўртасида ўрнатилган дўстлик ва маданий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Миср кино санъати усталари ва уларнинг асарлари ўзбек томошабинларига узоқ йиллардан буён яхши таниш. Илгари Тошкентда мунтазам ўтказилган уч қитъа мамлакатларининг кино фестивалларида бу мамлакат ижодкорлари фаол қатнашган. Мисрнинг энг кучли кино юлдузлари Магда Камол ва Муршиди томошабинларнинг олқишига сазовор бўлганди.

Ўзбекистон мустақиллиги самараси туфайли ўтган йили республика кино экранида биринчи марта намойиш этилган «Муҳаммадур Расуллуллоҳ» кўп серияли телевизион фильми ҳам ўзбек томошабинларига гоятда манзур бўлди.

Бир ҳафта давом этадиган Миср кино санъати куригида «Адолат кучи», «Аждаҳо», «Қора йўлбарс», «Давр музаффари» сингари бир қатор фильмлар намойиш этилади.

— Бу кинокўрик, — дейди Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот маркази раҳбари Муҳаммад Магди Дайф, — халқларимиз алоқаларини яқинлаштиришга, маданият арбоблари муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбек томошабинлари бу фильмлар орқали Миср халқининг ҳаёти билан яқиндан танишадилар.

А. ПЎЛАТОВ.

„Биз ким, мўлки Турон"...

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ УЮШГАН ҲОЛДА КУРАШИШ КЕРАК

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Нурсултон Назарбоев коррупцияга ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш республикамиз раҳбарияти олдида турган муҳим вазифалардан биридир, деди. Унинг айтишига қараганда, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида жиддий жиноятлар сони анча кўпайган. Айниқса, буюртмали қотилликлар сони 17 фоизга ўсганлиги ачинарлидир. Ўтган 6 ой ичида уюшган жиноятчиликка қарши курашувчилар фақат жиноятларни санаб ўтиш билан кифояланишган. Эндиликда уюшган жиноятчиликка қарши уюшган ҳолда курашиш лозим.

БОЖХОНА ИТТИФОҚИНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

ҚИРҒИЗИСТОНга Россия Бош вазири ўринбосари А. Большаковнинг келиши кутилмоқда. Ташриф давомида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши, шунингдек Қирғизистоннинг божхона иттифоқига аъзо бўлиши масаласи муҳокама қилинади. Қирғизистон молия вазири К. Манаевнинг айтишига қараганда иқтисодий алоқаларни тиклаш мамлакатнинг гидроэнергетикасини кўтаришга ёрдам беради. Божхона иттифоқига аъзо бўлиш эса Қирғизистонга маълум миқдорда фойда келтириши билан бирга унинг иқтисодий эгаменлигини йўқотишга олиб келади. Гап шундаки, Россия божхона иттифоқининг янги аъзолари олдига қаттиқ талаблар қўймоқда. Жумладан, Россия билан бир хил божхона тўловлари жорий этилиши, экспорт ва импорт солиқларини бирга олиб бориш зарур. Ташқи иқтисодий фаолият борасида ҳам Россия билан бир хил тартибда иш олиб бориш керак.

ТУРКМАНБОШИГА АВТОМОБИЛЬ СОВҒА ҚИЛИНДИ

КАТАР давлатининг шайхи Холид бин Абдулла ал Атийя Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовга 1995 йилда ишлаб чиқарилган янги автомобиль совға қилди. Унга йўлланган мактубда Оллоҳдан Ниёзовга ҳар томонлама ёрдам бериш сўралади. Шайхнинг айтишича, унинг совғаси Ниёзовнинг умрини узайтиради, ўз халқининг фидокори сифатида уни айрим хатолардан асраб қолади. Сапармурод Ниёзов эса ўз навбатида Катар шайхини Туркманистондаги Геоктепа шаҳрида қуриб битказилган янги мачитнинг очилишида қатнашишга таклиф этди. Бу тантана Туркманистон мустақиллигининг 4 йиллиги нишонланаётган кунларда бўлиб ўтади.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

ДУШАНБЕ ва Эрон ислом Республикаси пойтахти — Теҳрон биродарлашган шаҳарлар бўлди. Шунга мувофиқ, Теҳронда Душанбе шаҳар ҳокимлиги ваколатхонаси очилди. Душанбеда эса кўпгина Эрон муассасаларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, яқинда Москва шаҳрида ҳам Душанбе шаҳар ҳокимлигининг ваколатхонаси очилди. Биродарлашган шаҳарлар маъмурияти ўртасида тузилган битимга мувофиқ, жуда кўп соҳаларда ҳамкорлик қилиняпти. Москваликлар душанбеликларга 1,2 миллиард рубл қарз беради. Москвадаги «ЗИЛ» автомобиль заводи билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатилган. Ҳозир 150 нафар тожикистонлик йигит-қиз мазкур заводда ишламоқда. Яқинда яна 200 киши заводга ишга юборилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Сизнинг фикрингиз?

БОЛАЖОН, МАКТАБДА НИМАНИ ЎРГАНЯПСАН?

Сунбуланинг охирлари эди. Таҳририятимиз ходимлари газетамизнинг навбатдаги сонини режалаштиришга йиғилишди. Таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Сўнг...

Бош муҳаррир ҳаммамизга қарата «Қани айтинглар-чи, кимнинг боласи биринчи синфга, кимники юқори синфларга боради?» дея савол берди. Бирма-бир жавоб қилдик.

Бошқа сўз айтилмади. Йўлакка чиқиб бир-бировимиздан сўраймиз: «Нимага сўради экан-а? Ё байрам муносабати билан...»

Қутлуғ байрам — Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини зўр тантана билан нишонладик. Ҳам кўчада, ҳам уйда ўтаётган кунларимизга шукроналар айтдик. Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Яна одатдаги иш кунлари бошланди. Яна газетанинг, уй-рўзғор ва бола-чақанинг ташвишларига қўшилиб кетдик.

Бу сафарги йиғинда муҳарриримиз режалаштиришдан аввал яна сўради: «Айтинглар-чи, қайси бирингиз мактабга борган фарзандингиз олиб келган китоблар билан танишдингиз?» Жимлик. Хижолат ила тортиниб турган жамоа аъзоларига шундай таклиф айтилди: «Келинглар, ҳаммамиз ўғил ё қизимиз сабоқ олаётган китобларни бир варақлаб кўрайлик. Кечанинг кўзи билан эмас, балки бугуннинг нигоҳи билан жиддий кузатайлик. Барчангиз ўз фикрингизни ёзиб келинг. Газетада эълон қилиб эл-улуснинг, жамоатчиликнинг ҳам сўзини эшитсак. Дарсликларда катта ўзгаришлар борми ё?..»

Ҳаммамиз кўтарилган масаланинг ниҳоятда долзарблигини ва ҳаётийлигини тушундик.

Қуйида эълон қилинаётган ҳамкасбларимизнинг бу шахсий кузатувларини бирма-бир шарҳламоққа шошилмайлик. Боиси...

СОН БОР, СИФАТ ЙЎҚ

Мустақилликка эришганимизга ҳам тўрт йилдан ошди. Бу вақт ичида дунёвий илмларни ўзида жо этган дарсликлар ва услубий қўлланмалар тайёрлашда кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Мактаб дарсликларининг барчаси шу оз фурсат ичида ҳам мазмунан, ҳам маънан янгиланди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ бу салмоқли ишларни амалга оширган «Ўқитувчи» нашриётига андак эътиразим бор.

Мен қизимнинг китобларини кўздан кечириб чиқдим. Мазмунан яхши. Лекин уларнинг сифати умуман талабга жавоб бермайди. Қоғозларининг паст навлиги у ёқда турсин, ҳатто муқовалаш ишлари ҳам яхши бажарилмаган. Катта ёшдаги болаларникини қўяверайлик, ҳар ҳолда улар китоб тутишни билишади. Аммо ҳеч бўлмаганда биринчи ва иккинчи синф ўқувчиларининг дарсликларини сал пишиқроқ, чидамлироқ қилиш керак эди. Муқовалари мутлақо яроқсиз — икки ойда титилиб кетади. Масалан, 1-синфнинг «Бадиий меҳнат», «Математика», «Атрофимиздаги олам» деган китоблари. Бу ҳам етмагандек, айрим китоблар ипак эмас, оддий ипдан тикилган. Айримлари эса дафтардек сим билан икки жойидан чатиб қўйилган холос. Ахир болажонларимиз барибир болалигига боради-да, китобни кўнгилдагидек сақлашолмайди.

Ёки 1993 йилда Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган «Патологик анатомиядан қўлланма»ни олиб кўрайлик. Китоб муқоваланишининг сифатсизлигини гапирмасак ҳам бўлади. Аммо босилган суратлар борасида тўхталмаслик... Одатда одамнинг ички органлари китобда чизиб ёки тиниқ акс этган рангли фотода берилгани маъқул. Бироқ ушбу китобда босилган суратларни кўрсангиз у нимани англатишини билолмайсиз. Суратлар шунчалик сифатсиз босилганки, худди бошқа сайёрада туриб, ернинг суратини олгандек манзарани кашф этган. Бунинг устига улар оқ-қора тасвирда. Ахир булғуси ҳамширалар ёки дўхтирлар инсоннинг ички органлари ҳақида аниқ ва тиниқ тасаввурга эга бўлишлари керак-ку!

Тўғри, ҳозирги шароитни, иқтисодий қийинчиликларни биз ҳам тушунамиз. Нашриётларга ҳам осон эмас. Аммо қўл қовуштириб ўтирмай қийинчиликларни енгиб, сифатли моллар чиқариш йўлларини қидириш ва топиш керак. Маҳсулотимиз қанчалик сифатли бўлса, харидоримиз шунчалик кўпаяверади.

Алимқул СУЛТОНОВ,
масъул котиб.

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА...

Мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмалари ҳақида гап кетса аввало, уларнинг мазмуни, мавзуи, шакл-шамойили бирмунча яхши томонга ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 6-7-8-синфлар учун мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Ўзбекистон халқлари тарихи» қўлланмалари шубҳасиз мустақиллик мевалари. Мазкур қўлланмаларда Ўрта Осиё халқларининг ибтидоий жамоа тузуми давридан тортиб, синфий жамиятнинг пайдо бўлиши, юнон — Бақтрия подшолиги, Кушон давлати, араблар истилоси, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур давлати-ю Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишигача бўлган давр ҳақида маълумотлар берилган. Тўғри, бу маълумотларни ҳали анча тўлдириш, такомиллаштириш керак.

Дарсликларда ўқувчиларнинг ёдида қолиши учун саналар, айниқса, қисқача тарихий атамалар луғати ва қўзғолонлар пайтидаги давлатлар, хонликлар ҳудудларини ифода этувчи хариталарнинг берилиши маъқул. Худди шундай манзарани 8-синфлар учун мўлжалланган «Ўзбекистон табиий жўғрофияси»да кўриб очиғи, кўзим қувонди. Дарсликдаги геохронологик жадвал, Ўзбекистондаги тоғ тизмалари ва уларнинг энг баланд чўққилари, Ўзбекистоннинг асосий дарёлари, каналлар, қўриқхоналар ўқувчиларнинг ёдида қолиши учун алоҳида жадвалларда тасвирланган. Айниқса, республикамиздаги ҳар бир вилоят жўғрофий хусусиятларининг батафсил ёритилиши ўқувчиларнинг фақат ва фақат ўзи яшаётган жой ҳақидаги фикрларини бойитади, деб ўйлайман. «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси хусусида ҳам яхши фикрларни айтиш мумкин.

Республикамиз мустақил бўлгач, меросимиз, миллий қадриятларимиз, қадимий урф-одатлар, маросимларимизни ўрганиш имкони туғилди. Деярли ҳар куни, кун ора янги бир гап чиқяпти. Янги бир ном ёки унинг асари ҳақида маълумотга эга бўляпмиз. Тўғри, буларнинг бари мактаб дарсликларида тезда ўз аксини топиши мушкул. Айниқса, ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида инчунун. Қолаверса, бундай янгиликларнинг тўғри, нотўғрилигини асослашга ҳам анча вақт кетади. Шундай бўлса-да, янги дарсликлар тузишда ўз миллатимиз тарихи, шу кунларга етишиш учун курашган қатағон йиллари қурбонлари, биз билганбилмаган тарихимиз ҳақида ворисларимизга кўпроқ маълумот берилса, уларнинг оқ қорани ажратишларида хўп савобли иш бўларди.

Яна бир мулоҳаза: бугунги кунда 7-синф ўқувчиларига Ўзбекистон тарихи билан бирга Жаҳон тарихи ҳам ўтиляпти. Ваҳолонки, булар алоҳида-алоҳида китоблар ҳисобланади. Улар бирлаштирилса, ўқувчи диққат-эътибори бўлинавермасмиди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
Адабиёт, фан ва маданият бўлими ходими.

ЭСКИ ОҲАНГЛАР ВАҚТИ ТУГАГАНДИ-КУ!

Ҳисоб-китобдан бошланган қадам яхши-да. Шунинг учун ҳам 1993 йилда чоп этилган 6-синф «Математика» дарслигини варақладик, Афсус, афсус. Ўзбекнинг шу синфдаги боласи ҳануз Петропавловск станциясидан жўнаган поезднинг Новосибирск ёки Челябинскка 90 км.соат тезликда неча вақтда етиб боришини ўлчай олмай овора экан.

Унинг ўрнида Тошкентдан йўлга чиққан поезд 400 км.ли Китоб станциясига 90 км.соат тезликда қачон етиб боришини топиш ўнғай эмасмиди?

6-7 синфлар учун мўлжалланган «Русский язык»да СССР, унинг фарзандлари — пионерлар тарғиб этилиши етмагандек биронта ўзбек ижодкори ҳаётидан, битикларидан мисол келтирмагани ачинарли. Унинг варақларида (67-бет) ҳануз ЎзССРнинг байроғида нечта Ленин ордени борлиги ҳақидаги сўровлар учрайди. Демак, дарс давомида ўқувчига шу саволлар берилади-да!

Ботаника фанида совет ҳукуматининг табиатни муҳофаза қилишдаги қарорлари улуғланиб, Ленин имзо чеккан декретлар ичида биринчиси табиат муҳофазасига қаратилгани, уни коммунистик партия ва совет раҳбарлари ҳеч оғишмай амалга оширгани улуғланади. Бу хилдаги фикрлардан воз кечилиб, 6-синф ўқувчисига компартия ва совет ҳукумати Оролни нобуд қилганини, энди мустақил давлатимиз туркман, қозоқ, қирғиз, тожик биродарлари билан уни тўлдириш устида ўйлаётганлигини таъкидлаш зарур эмасмиди?!

«Табиат ресурсларидан рационал фойдаланиш, сақлаш, қайта тиклаш... СССРда коммунизм қуриш программасининг таркибий қисмидир», дея қайта-қайта чайналган дарсликдан фойдаланиш мустақилликка отилган тошдир.

Қисқаси, 1988 йил «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган дарслик ҳамон қўлланилар экан, бундан қувонмаслик керак. Ўша «Ботаника»да совет олими, СССРдаги энг серҳосил мевали дарахт, Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базасилиги ифтихор билан айтилганининг ўқитилиши бутун тоатибодатни йўққа чиқармайдими?

— Қани «География»ни бер-чи,— дейман умид билан ўғлимга.

Лекин, яна.. Бундаям эски оҳанг. Тўғри, катта-катта дарё, кўллардан хабардор этиш керак болани. Лекин ўзимизнинг Оқдарё, Қорадарё, Танхоз, Сўх, Чирчиқ, Норин, Сангзор, Зарафшон... дарёлари ўсимлик, ҳайвонот оламининг 6-синф тўплибига сингадиган макони эмасми?

Қурбон АЛИ,
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими мудири.

ЎЗИМИЗНИНГ ЭРТАГИМИЗНИ ЭШИТСИН...

Менинг қизим бу йил 1-синфга ўқишга борди. Лекин мактабга чиқди-ю дарсликлар муаммоси бошланди. Тўғри, мактаб фондидан энг керакли дарсликлар — «Алифбе», «Математика», «Ёзув» китоблари берилди. Лекин-улар анча эскирган, йиртилган. Чунки муқовалари жуда юпқа қоғоздан тайёрланган. Яна бир асосий муаммо, болаларга «Алифбе» китобидан кейин ўқишлари керак бўлган эртак китобларининг камлиги. Ҳа, болалар учун чиқариладиган турли рангли расмлар билан безалган ўзбек тилидаги эртак китобларнинг танқислиги жудаям сезиляпти.

Қайси бир китоб дўконидами, газета тарқатувчиданми сўраманг, чиройли муқовали, ранг-баранг расмлар билан безатилган рус тилидаги эртак китобларини қўлингизга тутқазишади. Шу ўринда ўринли бир савол туғилади: нима учун шу хилдаги китоблар ўзбек тилида чоп этилмайди? Ёки чоп этилса ҳам кам нусхада босиладими?

Менимча, дарсликлар устида гап борар экан, кичкинтойлар яъни 1-синф ўқувчилари учун ҳам турли ўзбек халқ эртаклари, мақоллари, топишмоқлари, тез айтишлар билан тўлдирилган, рангли расмлар билан безатилган китоблар ҳам кўплаб чиқарилса яхши бўларди.

Мунира АЗИМОВА,
таҳририят компьютер оператори.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛМОҚДА

Тўққизинчи синф болаларига тарқатилган китобларни кўздан кечираётиб, кўнглим таскин топди. Чунки, Тошкентдаги айрим мактабларда болаларга ўқув қуроллари, хусусан китобларни бекаму-кўст етказиб бериш ишлари яхши ташкил этилган. Оз эмас, кўп эмас 17 та китоб. Ҳаммаси кутубхона муҳри билан рўйхатга олинган. 1993—1995 йилларда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган дарсликлар. Уларнинг ичида фойдаланилган, эскирганлари деярли йўқ. Яхши сақланган.

Мен бу дарсликларнинг номларини бирма-бир келтирмоқчи эмасман. Аксинча, тўққизинчи синфни битириб, билимларни яхши ўзлаштиргани учун яна ўқишни давом эттирувчи ёки мустақил ҳаёт сўқмоқлари сари юзланувчи болаларга тавсия этилган китобларнинг баъзиларини ҳақида фикр юритмоқчиман. Жумладан, икки йил аввал нашр этилган, асосан русчадан таржима қилинган, лекин расмларга бой, безакли «Биология: одам ва унинг саломатлиги» китоби қалин муқовали, пишиқпухта тайёрланганлиги билан эътиборимни тортди. Қизиғи шундаки, худди ана шундай яна бир китоб «Одам ва унинг саломатлиги» деб аталиб, унга Б. Аминов билан Т. Тиловов муаллифлик қилишган. Бу китобнинг муқоваси юпқа, ўзи ихчамроқ. Ғашга тегадиган жойи шундаки, босмахонанинг айби билан китоб варақларида ҳошия қолдирилмай, кесиб ташланган. Ҳатто айрим сўзларнинг охирги бўғинлари ҳам «учиб» кетган. Мураккаброқ фикрларни илғашда шу арзимагандек туюлган камчиликлар ҳам ўқувчини қийин аҳволга солиши мумкин. Кейин, қизиқ томони нима учун бу йилги ўқувга деярли бир хил китобнинг тавсия қилиниши кишини ўйлантиради.

Маълумки, биз фикр юритаётларинг — сенинг ўзинг. уларнинг покизалиги кўнглингнинг тозалигидан дарак беради» деган гапларни кўп такрорлашарди. Ўша насиҳатлар туфайлими ёки ўз қўлимиз билан сотиб олганимиз учунми — ишқилиб китобларимизни жуда эҳтиёт қилардик. Укаларимизнинг қўлига тушиб қолишидан қўрқардик. Ҳатто айрим ҳолларда синфдошларимиздан ҳам қизғанардик.

Ҳозир эса ўқувчиларни асосан дарсликлар билан мактаб кутубхоналари таъминлайди. Бу албатта, яхши. Бироқ китобларнинг бир йилга етар-етмай хароб аҳволга тушиб қолаётгани ачинарли. Варақлашга юрагингиз дов бермайди. Ҳар қанча хунук сўз ва суратларни ўша саҳифалардан топишингиз мумкин. Бундай беписандликнинг боиси нима экан-а?

Ширинлик ва чиройли буюмларга талпиниб яшовчи болаларимизда титилиб, қайта-қайта елимланиб, тикилиб таъмирланган жулдур дарсликларни қўлга олишлари билан туғилган норозилик кайфияти дарсликка нисбатан ўгай назар билан қарашни келтириб чиқармаяптимикан?!

Мактаб дарсликлари яна қайтадан китоб дўконларида сотилса, бу китоблар болаларнинг, оиланинг ўз мулкига айланиб қолса яхши эмасми? Албатта, ҳеч бир ота-она фарзанди учун дарслик сотиб олиб беришдан бош тортмайди. Эҳтимол, китоб дўконларига киришни хаёлига ҳам келтирмайдиган айрим ота-оналаримиз дарслик баҳонаси билан кириб, боласи учун бир-иккита бадиий китоб ҳам харид қилиб чиқар!

Истаса, ўғил-қизларимиз ўша китобларни бир неча йил асрасин, (бунинг сира зиёни йўқ) истаса, кимгадир сотсин ёки совға қилсин. Нима бўлганда ҳам бу ҳодиса болада китоб ҳақида ўйлаш ва қайғуриш малакасини ҳосил қилади, холос!

Қолаверса, мактаб кутубхоначиларининг ҳам асосий юмуши китоб тарқатиш ва йиғиштириб олишдан иборат бўлиб қолди. Ҳолбуки, уларнинг олдида ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш ва уларнинг бадиий диди, завқини ўстиришдек яна бир муҳим вазифа ҳам бор.

Яқинда кекса бир чўпон амаки билан суҳбатлашиб қолдим. У қўлидаги таёғини 30 йилдан буён ишлатаётгани, уни йўқотиб қўйишдан ниҳоятда қўрқиши ҳақида гапириб берганда ҳаяжонланиб кетдим. Қанийди, биз ҳам фарзандларимизда ўзининг иш қуроли ва шахсий буюмларига нисбатан ана шундай ҳурмат ва ҳушёрликни уйғотолсак!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
Адабиёт, фан ва маданият бўлими ходими.

ЧЎПОН ТАЁҒИНИ ЭЪЗОЗЛАГАНИДЕК...

Эсимда: ўқув йили бошланишидан олдинроқ аям бизларни атайлаб шаҳарга олиб тушарди. Биргаликда дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилардик. Ўша куни биз ўзимизни дунёдаги энг бадавлат одамдек сезардик. Уйга келишимиз билан китобларимизни иложи борича пишиқроқ қилиб жилдлаб қўйишга шошилардик. Ўқитувчиларимиз ҳам: «Дафтар-китоб-

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Ўзбекистон катта мамлакат. Унинг минг битта ташвиши ва қувончи бор. Лекин ана шу улкан қувонч ва ташвишлар ортида миллионлаб юртдошларимизнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси турибди. Биз ҳар доим нурли кунларга интилиб яшаймиз.

Бизнинг ортимиздан катта-катта авлодлар карвони келаётир. Улар сиз-у бизнинг фарзандларимиз. Уларнинг бахтли тақдирига бугун пойдевор қўйиляпти. Шундай экан, ҳар бир хонадон остонасидан ҳатлаб чиқаётган фарзандларимизга ўзи таҳсил кўраётган қадрдон мактабида бой тарихимиз, ота-боболари, миллатдошлари, қолаверса, мустақил Ўзбекистон давлати ҳақида қандай сабоқлар берилаётганини бир сўраб, кўриб қўйсак ютқазмаймиз. Аксинча, кечанинг хатоларини бугун тузатадиган вақтлар келди.

Қани, сиз ҳам «БОЛАЖОН, МАКТАБДА НИМАНИ ЎРГАНЯПСАН?» деб сўранг. Китобларни, кундаликларни варақланг. Қандай жавоб ва таассуротлар олар экансиз?

Таҳририят жамоасининг фикр-мулоҳазаларини Адабиёт, фан ва маданият бўлими мудири Норқобил ЖАЛИЛ умумлаштирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ ИЛМИЙ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ҲАЙДАРБЕК БОБОБЕКОВ ШАРҲИ:

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет ҳисобига дарсликлар ўқувчиларга бепул берилади. Ҳар бир дарслик мактаб кутубхонаси жамғармаси (фонди) бўлиб ҳисобланади ва 4-5 йил фойдаланишга мўлжалланган. Ўқувчи дарсликларни кутубхонадан олиб ўқув йили охирида кутубхонага қайтариши керак.

1995—1996 ўқув йили учун 423 номда 30 миллион нусхадан ортиқ дарсликларга буюртма берилган эди. Шу жумладан, «Ўқитувчи» нашриети томонидан ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактаблар учун 77 номда 26 миллион 241 минг нусха дарсликларни чоп этиш режаланган эди. Шу қунга қадар «Ўқитувчи» нашриети маълумотига қараганда нашриет 72 номда 21 миллион нусхада дарсликлар чоп этди. Шундан 56 номда режалаштирилган нусхада тўлиқ чоп этилган, 16 номдагиси эса қисман бажарилган, 5 номдагиси босмахонага топширилган.

Режадаги дарсликлардан 16 номдагиси янги, оригинал дарсликлардир. Қолганлари эски дарсликларнинг ва вариантларидир.

«ЎзТошкитоб» савдо бирлашмасининг маълумотига кўра, ҳозирги кунда (2 октябргача бўлган маълумот) вилоятларга 68 номда 18 миллион нусхадан ортиқроқ 300 миллион сўмлик дарсликлар юборилган.

Умуман олганда, вилоятларнинг маълумотларига кўра, янги ўқув йилининг бошида умумтаълим мактаблари 2- ва 4-синф дарсликларининг танқислигини ҳис қилмоқдалар. 1995 йилда нашр тартиби бўйича ушбу дарсликлар ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 50 фоиз нашр қилиниши лозим эди. Ҳозирги кунга қадар «Ўқитувчи» нашриети 4-синф учун «Ўқиш китоби»ни режадаги 251 минг нусхадан 182 минг нусха, «Математика» режадаги 300 минг нусхадан 114 минг нусха, «Рус тили» режадаги 251 минг нусхадан 40 минг нусха чоп этди холос.

«Ўқитувчи» нашриети бу йил 12 номдаги дарсликни Россиядаги «Чарли» фирмаси орқали чоп этмоқда. Унинг нархи арзонроқ ва сифати анча юқорироқ бўлмоқда. Аммо молиявий масала ҳал бўлмаганлиги сабабли Россияда чоп этилган дарсликлар Ўзбекистонга етиб келгани йўқ.

Халқ таълими вазирлигининг барча бўғинларида таълим ва тарбия бериш жараёни ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган, ўзида миллий ва минтақавий хусусиятларни мужассамлаган ўқув-методик адабиётлар мажмуасини тайёрлаш ва нашр этиш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилиниши, ўзбек тилига Давлат тили мақомини берилиши, Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш, барча турдаги ўқув муассасаларни янги, муқобил дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларни яратиш заруриятини кун тартибига қўйди ва бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар бўйича 24 ўқув дастури республикамизда бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда мазмунан қайта ишлаб чиқилди. Бу дастурлар асосида 65 та янги дарсликлар яратилиб чоп этилди, шундан 21 номдаги дарслик синовдан ўтмоқда. 1993—1995 йилларда чоп этилган ўқув адабиётлари давр талабига биноан қайта ишлаб чиқилган.

Республикамизда янги ўзбек алифбосини жорий қилиниши муносабати билан республика таълим илмий-методика маркази 38 та ўқув қўлланмани нашрга тайёрламоқда. Ҳозирги кунда 200 дан ортиқ муаллифлар гуруҳи билан иш олиб борилмоқда. Шу жумладан 40 номдаги ўқув адабиети муҳокамадан ўтиб нашрга тавсия этилди. 21 номдаги қўлланма мактабларда синовдан ўтмоқда.

1995 йилдан бошлаб ҳар бир дарслик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисида тасдиқдан ўтиши лозим. Фақат шундагина дарслик дарслик мақомига эга бўлади. Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув адабиетлар билан таъминлаш бўйича бир қанча камчилик ва муаммолар мавжуд.

Дарсликни ёзиш ва уни яратиш жараёни мураккаб ҳисобланади. Биринчи навбатда ким ва нимага асосланган ҳолда ёзади, деган саволга жавоб изламоқ лозим. Деярли ҳар бир оилада мактаб ўқувчиси бор. Демак, дарсликлар ҳам бор. Уларни қулимизга олиб бир варақлаб чиқайлик. Мазмунига, дарслик сифатига, ташқи кўринишига эътибор берайлик. Қани энди айтингчи, маъносига осонгина тушундингизми? Китобларнинг безаклари, ичидаги расм ва чизмалар, хариталар сизнинг эътиборингизни ўзига жалб қила олдими? Шуларга қараб дарсликларга баҳо беравергинг!

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИНИНГ ДИРЕКТОРИ ОЛИМЖОН МИРЗАЕВ ШАРҲИ:

Мустақиллик халқ таълимида ҳам ўзининг бўй-бастини курсатяпти. Илм умумбашарийдир. Лекин ҳар бир халқ ўзлигини англаши, ўтмиш тарихини эъзозлаши зарур. Шу ўринда ёш авлодни ўзлигимизни англаш руҳида тарбиялаш учун аввало ўзимизнинг миллий дарсликларимиз зарур. Мана, тўрт йилдирки, мактабларда барча фанлардан миллий қадр-қимматга эга маълумотлар акс этган дарсликларга эгамиз.

Узоқ йиллар давомида, собиқ СССР даврида ҳамма дарсликлар марказда тайёрланарди. Республикалар эса уларни таржима қилиб оларди холос. Айниқса, Турон ўлкасининг тарихи, тили, маданияти, урф-одатларига бўлган қизиқиш ўта паст даражада бўлди. Аниқроғи, бу яхлит юрт булакларга сунъий равишда бўлиб юборилди. Мустақиллик эса Туркистон ўлкасининг бирлашишига йўл очаётир. Бу биринчи навбатда ўрта мактаб дарсликларида ўз аксини топаётир. Дарсликлар миллийлаштириляпти. Мактабларимиз тарихида янгилик — Жаҳон тарихи дарси ўтила бошланди. Ҳозирча бу фан 5-6-7-синфларда ўқитиляпти.

Мавжуд фанлар бўйича ўқитишнинг ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам яхши натижа берувчи дарсликларни комплекслаштириш усули жорий этилаётир. Бу нимадан иборат? Дарсликни улкан дарахтга қиёслагудек булсак, унинг илдизлари шох-шаббадаги япроқлари билан бекаму-кўст. Ана шундай тўлдириш боғловчи методик қўлланма, болаларга методик қўлланма, ўқитувчига методик қўлланма, ота-оналарга ҳам методик қўлланмалар дарсликлар билан бирга қўшиб олиб борилаётир. Айниқса, ёш болалар математика каби фанларни ўзлаштиришга киришишдан олдин турли ўйинлар орқали ҳам математикага оид масалаларни ечишлари мумкин. Қайта нашр қилинган дарсликларимизга аҳамият берсангиз, дарсликнинг муқовасиданоқ, дарслик қайси синф, неча ёшли болалар учун мўлжалланганлигини ифодаловчи суратлар, болани яхшиликка элтувчи тасвирлар акс этган.

Яна бир муҳим жиҳат, дарсдаги билимни чуқурлаштириш учун мактаб кутубхонаси ишини қайта қуриш, миллийлаштириш даркор. Бир қанча янги фанлар — ҳунармандчилик, санъатшуносликка каби дарсликлар ҳам яратилди.

1995 йилда 25 миллион дарслик чиқарилиши кўзда тутилганди. Ҳозиргача 21 миллион нусхадаги дарслик ўз ўқувчилари қўлига тегди. 2 миллион нусхадаги дарслик чоп этишга ҳозир. Шу ўринда 3 миллион нусхада Москвада тайёр турган дарсликларимизни пул айирбошлашни қийинчилиги туфайли ололмаяпмиз.

Келгуси авлодларни давлатимизнинг ҳақиқий ворислари қилиб тарбияловчи омил — дарсликлар яратишда ҳам бошқа соҳалардаги каби муаммолар йўқ эмас. Вилоятларга жўнатилган дарсликлар эвазига тўшумни вақтида ололмаяпмиз. Ҳозирга келиб «ЎзТошкитоб» биздан 235 миллион сўм қарз бўлиб қолишининг боиси ҳам шунда.

Мактаблар учун дарсликлар тайёрлаш тажрибасидан шу нарса маълумки, дарслик бир-икки йилда тайёрланиши жуда қийин. Дарсликлар ўн йиллаб тайёрланади. Нашрлар йилдан-йилга тўлдирилиб, такомиллаштириб борилади. Шу ўринда ҳозир мактабларда қўлланилаётган дарсликларимиз ҳам бу охирги шоҳсупа эмас. Бу дарслик ҳам келажакда қайта-қайта нашр этилади. Янги-янги фактлар билан тўлдирилади, такомиллаштирилади.

Зотан, биздаги миллий тарбия ва миллий илмни жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардаги дунёвий илмлар тажрибасига тенглаштиришга тула асос бор.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ДЕНГИЗЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Япония ҳукумати Токио яқинидаги бандаргоҳларнинг бирида уч нафар россиялик денгизчини ҳибсга олди.

Япония хавфсизлик хизмати ходимлари уларда учта тўппонча ва ўқ-дори борлигини аниқлаган.

ДАСТЛАБКИ ТАРТИББУЗАР

Антарктикадаги Моусон базасида ишлайдиган Австрия фуқароси бу абадий музликлар минтақасидаги биринчи тартиббузар бўлса ажаб эмас. У бу ердаги иссиқхонада марихуана ўстирган. Экспедиция бошлиғи Жим Хасикнинг айтишича, тартиббузарни топиш унчалик ҳам қийин кечмаган. Чунки, станцияда бор-йўғи 18 киши қишлайди, холос.

ҲИНДИСТОННИНГ НОРОЗИЛИГИ

Ҳиндистон қуролли кучлари вакилларининг йиғилишида мамлакат Бош вазири Нарасимха Рао АҚШ ҳукуматининг Покистонга қурол-яроғ сотиш ҳақидаги қарорига яна бир бор норозилик билдирди.

Нарасимха Рао АҚШ ҳукуматининг ушбу ҳаракати минтақадаги хавфсизликка салбий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

ТАШРИФДАН ТАШВИШ

Япония ташқи ишлар вазири Иоҳэй Коно Тайван Президентининг мамлакатга ташриф буюриш ниятига муносабат билдириб, айни пайтда бу ташрифга розилик бериш Япония ҳукумати учун фавқулодда қийин эканини маълум қилди.

Мамлакат раҳбарияти бу ташриф Япония билан Хитой ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

АРАФОТНИНГ ТАКЛИФИ РАД ЭТИЛДИ

Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот мамлакатдаги Ҳамас ислом ҳаракатини келгуси йили Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторида ўтказиладиган умумий сайловларда қатнашишга таклиф қилди. Аммо, Ҳамас ҳаракати ушбу таклифни рад этди.

Ҳамас раҳбарлари Фаластин озодлик ташкилоти ҳамда Исроил ўртасида имзоланган битим Фаластин халқига ҳеч нарса бермаётгани каби, ушбу сайлов ҳам ижобий натижаларга олиб келмаслигини айтмоқда.

СОВРИН АМЕРИКАЛИКЛАРГА ТЕГАДИ

Стокгольмда 1995 йил учун физика бўйича Нобель мукофоти совриндорлари эълон қилинди. Физика соҳасида қилган кашфиётлари учун америкалик олимлар Мартин Перл ва Фредерик Рейнс ушбу мукофотга муносиб топилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

"ГУЖУМ"

ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: *гуруч, пиёз, саримсоқ пиёз, олма, болгар қалампири* ва бошқа неъматларни бартер асосида

СОТИБ ОЛАДИ

ва шартнома тузган мижозларга

БЕЛАРУСДАН

қишлоқ хўжалик тракторлари ва эҳтиёт қисмлари, хар хил қоплар, холодильниклар, телевизорлар, радио-техника буюмлари, турли русумдаги "МАЗ" юк машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сара конфетлар, ноёб дори-дармонлар, картон қоғозларни

ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 56-39-54.

1995 йил 30 август

"ТИНЧЛИК ИНТЕРНЕЙШНЛ"
қўшма корхонаси

4.500.000 АҚШ доллари

пахта ипини
қайта ишлаш бўйича корхона
Низом сармояси қуйида имзо чеккан —

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш фонди

томонидан ажратилди.

ТОШКЕНТ,
ЎЗБЕКИСТОН.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДЎКОНЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"ЎЗФАРМЭКСИМ"

хўжалик ҳисобидаги иқтисодий алоқалар бирлашмаси

турли касалликларни даволашда қўлланиладиган хилма - хил дориларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Агар сизга:



* *ошқозон - ичак хасталиклари ва улардаги турли хил жароҳатларни даволовчи;*
* *оғриқ қолдирувчи;*
* *оғиз бўшлиғи ва милклар шамоллашига қарши малҳамлар;*
* *асаб тизимларини тинчлантирувчи;*
* *қон ўрнини босувчи (гемодез);*
* *аёлларда камқонлик касалликлари ва ҳомила тушишини олдини олувчи;*
* *турли хил кўринишдаги жароҳатларга қарши;*
* *болалар шамоллашига қарши;*
* *нафас йўлларида зоҳир бўладиган хасталикларга қарши;*
* *тери ва таносил касалликларига қарши;*
* *онкология соҳасида ишлатиладиган дори-дармонлар зарур бўлса,*

ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИНГ.

"Ўзфармэксим"даги дори-дармонлар самараси МДҲ давлатлари ва хорижий экспертлар томонидан ижобий баҳоланган. Улар ҳам арзон, ҳам сифатли.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Чунки мижозларимиз етарли. Бугунги мавжуд дори-дармонларни ҳафта ўтиб тополмаслигингиз мумкин.

"ЎЗФАРМЭКСИМ" шаҳар аҳолисига пуллик хизмат ҳам кўрсатмоқда. Шу мақсадда Тошкентнинг аҳоли гавжум бўлган туманларида фирмамиз дорихоналари ишлаб турибди.

ДОРИХОНАЛАРИМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

*Юнусобод тумани, 19-мавзе, "Юнусобод-саховат" универмаги, 1-қават.
* Мирзо Улуғбек тумани, метронинг "Горький" бекати. "Саёҳат" меҳмонхонаси ёнида.
* "ЎЗФАРМЭКСИМ" манзилини эслаб қолинг: Тошкент шаҳри, Мавлонов кўчаси, 37-уй. "ТашНИИВС" институти биноси, 3-қават.
* Телефон: 34-77-88.

"ЎЗФАРМЭКСИМ" ДОИМО СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Сентябрь ойининг охирги кунларидан бирида бухоролик Темур Арслонов «дисбат»дан қочган ленинградлик Алексей Красновлар Қашқадарёдан 33-11 ҚФА рақамли «ГАЗ-24-10» енгил автомашинасини «фойдаланиш»га олиб, йўлни Туркманистонга солишди. Бироқ, жиноятчиларга Қашқадарёдан чиқиб кетиш насиб этмади. Олиб қочилган машина ва бу икки шоввоз вилоят божхона хизмати ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Текширилганда Алексей Красновнинг ёнидан бир дона «РТД-5» гранатаси топилди.

Бу шахслар устидан жиноий иш қўзғатилиб, қамоққа олинди.

* * *

Қизилқум чўлининг Чуқурқоқ деган жойида жойлашган 11-божхона пости ходимлари рулни айланма йўлга бурган иккита «КамАЗ» автомашинасини тўхтатишди. Тўрткўл шаҳридаги 2-ҳунар техника билим юртига қарашли давлат белгилари 44-24 КПН ва 44-26 КПН бўлган бу автомашиналарга 2 тонна 71 килограмм «Прима» ватаси ва 4 тонна 730 килограмм пахта мойи юкланган экан. Ҳайдовчилар Кутлимурот Ғуломов, Анвар Жуманиёзов ва юк эгаси Йўлдош Қаландаров томонидан четга олиб чиқиб кетишга мўлжалланган товарлар тегишли жойларга топширилди.

* * *

Сирдарё улгуржи базасининг бош ҳисобчиси Д. Усмонов «ҳеч ким тополмайди, ҳисоб-китобда мендан устаси йўқ» деди-ю, солиққа тортиладиган фойдани 35790 сумга камайтирди. Бироқ, Янгиер давлат солиқ инспекцияси ходимларини алдаб бўлмади. Жиноий иш қўзғатилиб, Меҳнатобод тумани халқ судининг ҳукми билан Д. Усмонов икки йилга ахлоқ тузатишга ҳукм этилиб, маошидан 20 фоиз ушлаб қолинадиган бўлди.

* * *

Сирдарё вилояти божхона хизмати ходимлари Ховос темир йўл бекатида тожикистонлик Абдувоҳид Фозиловни бир кило-ю 100 грамм марихуана билан ушлашди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу йигит бунча гиёҳванд моддани елим пакетга ўраб қаёққа олиб кетаётгани, қаердан олгани ва нима қилмоқчилиги олиб борилаётган суриштирувда аниқланади.

Ибодулла ЎСАРОВ тайёрлади.

Бодомзор Bodomzor

В НОВОГОДНИЕ ПОДАРКИ!

АО "Бодомзор" принимает заявки от предприятий, организаций и всех заинтересованных лиц

Разместив заявку, вы тем самым избавитесь от хлопот на новогодний вечер, доставив детям огромную радость и безграничное удовольствие.
Подарки изготовлены в добрых традициях и в лучших кондитерских фабриках мира

ВЫСОКОЕ КАЧЕСТВО, НИЗКИЕ ЦЕНЫ, ОТЛИЧНЫЙ ДИЗАЙН

Каждый 40-й подарок - бесплатный!

Наши специалисты доставят вам образцы по заявкам. Доставка образцов производится бесплатно. Форма оплаты-любая!

87

МЫ ЖДЕМ ВАС!

Звоните нам по телефонам: (3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74
Наш адрес: 700140, Ташкент, ул. Д. Абидовой, 260. Ориентир-институт САМПИ

Кўнгил мулки

АЁЛ ДИЛИНИ АЁЛ ОҒРИТСА...

Аёл кишининг кўнглини олишдан осони йўқ. Бунинг учун азият чекишингиз шарт эмас. Бир қалтис ҳаракат, бир ножўя сўз билан ўша нозик кўнгилни вайрон қилиб юборишингиз ҳам мумкин. Бироқ аёл дилидаги гапни топиб айтиш, унинг ҳурматига, ихлосига мушарраф бўлиш жуда мушкул.

Куни кеча автобусда бир хунук воқеага гувоҳ бўлдим. Кексароқ онахон бекатда туша туриб: «Ўғлим, мен йўл ҳақи тўламайман, қаҳрамон онаман!» — деди. Ҳайдовчи «марҳамат!» дегандай бош силкиб қўя қолди.

Лекин менинг ёнимда ўтирган қирқ ёшлар чамасидаги бир аёл энсаси қотиб онахоннинг орқасидан луқма ташлади: «Қаҳрамон эмиш! Биз ҳаммамиз қаҳрамон бўлишимиз мумкин эди, агар болаларни қандай қилиб оёққа турғазишни ўйламасак!»

Сесканиб ҳамроҳимга қарадим. Наҳотки, у фарзанд осмондан тушгандек — ўз-ўзидан дунёга келиб қолади деб ўйласа! Ахир сиз уддалашга кўзингиз етмаётган мушкулотнинг уддасидан ўша Аёл чиқибди-ку! Шунча фарзандни оёққа турғизолган она ҳар қанча қаҳрамонман деб фахрланса арзийди-да! Бунинг сизга огирлиги тушмайди-ку!

Серзарда шеригимга: «Ҳамма ҳам қаҳрамон бўлолмайди. Айниқса, сизга ўхшаганлар!» дегим келдию, негадир тилим айланмади.

Аёлнинг дилини эри ёки ишхонасидаги раҳбари айрим сабабларга кўра оғритса, маълум маънода тушуниш ва кечириш мумкин. Лекин илк учрашувда, ҳали уни мутлақо билмасдан туриб, аёл кўнглига аёл қум сочса, жуда хунук ва оғриқли буларкан. Бундай тажангини уйлайди. Керак бўлса, боласи учун хонумонидан ҳам кечиб юбориши мумкин. Бироқ орамизда ўз саломатлиги учун ҳам астойдил жон куйдирадиган аёллар тушакка чўзилиб қолмагунларича елиб-югуриб юраверадилар, ўзларига беписанд қарайдилар. Ахир ўша полапонингизнинг ўйнаб-кулиб, чопқиллаб юрмоғи учун сиз ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурсиз!

Жамиятга баркамол болалар керак. Болаларга-чи! Уларнинг энг кучли эҳтиёжи оналарининг соғлом ва гўзал бўлишларидир.

Бировнинг жони бировга асқотмайди. Токи тан жароҳатини бўлишиб бўлмас экан, лоақал ўзингизни ўзингиз асранг! Унутманг, Сиз соғлом бўлсангизгина оилангизнинг, фарзандингизнинг кунига ярайсиз. Ҳаммага суюкли ва ардоқли бўлиш учун ҳам ҳамиша кулиб юрмоғингиз шарт. Шундай экан, бошқалардан илтифот кутиб ўтирмай ўз кўнглингизни ўзингиз кўтаришга ҳаракат қилинг.

Сўнгги сўз: аёл дилини аёл яраламасин! Ҳуда-беҳудага асабийлашиб, нозик кўнгилларини қийнамасинлар. Токи биз ўз жонимизни, кўнглимизни авайлайлик. Бир-биримизни тушунайлик. Ҳимоя қилайлик.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Футбол

ҒАЛАБАГА ТЕНГ ДУРАНГ

Ўтган якшанба куни футбол бўйича мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи учрашувларидан бири бўлиб ўтди. Бунда чемпионликка даъвогар икки жамоа — МҲСК ва Фарғонанинг «Нефтчи» командалари ўзаро учрашишди. Агар бу учрашувда армиячилар ғолиб чиқишганда улар чемпионликни ўзларига нақд қилиб қўйишган бўларди. Лекин «Нефтчи» футболчилари дурангга ҳам рози эдилар. Чунки йўқотилган очколар бўйича улар олдинда. Шу боис армиячилар ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумкорликка зўр беришди. Бир неча бор хавфли вазиятлар юзага келди.

Ўз навбатида «Нефтчи» футболчилари ҳам қарши ҳужумлар уюштиришди. Бироқ ҳисобни очиш ҳеч кимга насиб этмади.

Ушбу дурангдан сўнг фарғоналиклар турнир жадвалидаги мавқеларини анча мустаҳкамлаб олишди. Энди ким чемпион бўлиши Фарғонада бўладиган «Нефтчи» — «Навбаҳор» (Наманган) учрашувида аниқланадиган кўринади.

Ватаним ягона мустақилдир
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.